

**2024 йил - «ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»**

DANG'ARA

**Dang'ara tumani
hokimligining gazetasi****Gazeta 1941-yil
6-iyuldan chiqqan boshlagan****№ 3
(7658)****30.01.2024****Туман ҳокимлиги мажлислар залида Халқ депутатлари туман Кенгашининг 6-чақириқ 87-сессияси бўлиб ўтди.**

Сессия ишида туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, кун тартибига алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессияда сектор раҳбарларининг 2023 йилнинг 4-чорагида амалга оширилган ишлари ва 2024 йилнинг 1-чорагига мўлжалланган йўл хариталарини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, туман адлия бўлимининг 2023 йил 4-чорагида тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида ҳамда туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қўйилган

ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

устувор вазифалар ижросини таъминлашда амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан масъуллар ахборотлари тингланди.

Кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.



МАВЖУД МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА



Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди. Муддат талаб этилган мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

Республика ишчи гуруҳи сектор раҳбарлари ҳамроҳлигида Қизилмушт МФИда аҳоли томонидан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича ёшлар маркази ташкил этиш, Ғумойли МФИда ичимлик суви, Кичик Турк ҳамда Қорамулла МФИла-

Туманда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

рида электр энергияси билан боғлиқ мурожаатлар ўрганиб чиқилди.

Маҳаллалардаги ўрганишлар давомида МФИ раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ҳамда профилактика инспекторлари томонидан ҳудудни ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш, маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказиш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишилди.

Халқ билан бундай бевосита мулоқотлар фуқароларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига, шунингдек, мавжуд муаммолар бартараф этилишига кўмаклашмоқда.

Туман ҳокимлиги матбуот хизмати.

**ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ
МИЌЕСДАГИ МУҲИМ
САНАЛАР ФЕВРАЛЬ
ОЙИДА****9 февраль - Алишер
Навоий таваллуд топган кун.****14 февраль - Заҳириддин
Муҳаммад Бобур туғилган кун.****21 февраль - Халқаро она
тили куни.**

ИЧКИ ТУРИЗМ - ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Бугуннинг энг муҳим иқтисодий соҳаларидан бири бу - ички ва зиёрат туризми ҳисобланади. Шу боисдан ҳам дунёнинг кўплаб давлатлари ушбу соҳани янада ривожлантириш, жаҳон стандартлари даражасида инфраструктурани яратиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада такомиллаштирмоқда.

Ўзбекистонлик журналистлар сафида Ҳиндистонда бўлганимда ҳиндларнинг ички туризмга бўлган эътибори юқори эканлигига амин бўлдим. Афсонавий юртнинг қай бир тарихий обидасига борманг, у ерда оилавий саёҳатчилар кўпчиликини ташкил этган бўлади. Қўлида чақалоғи, ёнида 2-3 нафар кичкинтойи билан ота-она ҳиндлар ёдгорликлар сари ошиқадилар, устозлари етакчилигидаги мактаб ўқувчилари салмоғи ҳам кам эмас. Муҳими, улар бу қадамжоларга шунчаки томоша учун келмайдилар, балки, унинг яратилиш тарихи билан яқиндан танишишга интиладилар ва шундай оби-



далари борлигидан ўта фахрланадилар ҳам.

Данғарамизда ҳам мактансак арзигудек тарихий ва маданий меросимиз анчагина, ички туризмни ривожлантириш учун манбааларимиз етарли. Фарзандларимиз кичиклигидан уларни миллий қадрият, анъаналаримизга ҳурмат, миллий меросимизга эътиқод руҳида тарбияласак, ҳеч шубҳа йўқки, эртამиз янада фаровон ва порлоқ бўлади.


Бунинг учун аввало, тумандаги Ҳоб бува зиёратгоҳи, Кишлоғич ота мавзолейи, Ер масжид, Хўжа Азиз бува мақбараси,

Хўжа Абу Туроб, Гойиб Эрон бува зиёратгоҳларида ички сайёҳлар учун етарли шарт-шароитлар билан бирга ободонлаштириш ишлари кенг кўламли давом этиши керак. Зеро, маънавий комиллик тарихимиздан бошланади, ёш авлод миллатимизнинг ўтмиши ва бугунидан тўлиқ хабардор бўлса, келажак шунчалар ёрқин бўлади.

Юртбошимиз томонидан тизимга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун» шиори остидаги маънавий тадбирлар асосида ҳам

ички ва зиёрат туризми кенг ўрин олган. «Оилавий саёҳат таътили» эса бу борада янги қадам бўлди. Ўзликни англаш, маънавий тафаккур айнан муқаддас қадамжолар билан боғлиқ. Бунинг ҳар бир фуқаро чуқур англаб етмоғи, ички ва зиёрат туризмида фаол иштирок этмоғи лозим. Шундагина, биз аждодларимиз меросини, тарих силсилаларидан омон чиқиб келаётган обидаларимиз умри боқийлигини сақлаб қолган бўламиз.

Уктамхон АКБАРОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
Уюшмаси аъзоси.

ҚОНУНЛАРГА ЎЗГАРТИРИШ
КИРИТИЛДИ

Мазкур қонун фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган суд орқали ҳимоя қилиниш ва судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатларини янада оширишга, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, қонуний манфаатларини кенгроқ ҳимоя қилишга, одил судловга эришиш даражасини янада оширишга, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, суд қарорларини қайта кўришда ўрта бўгин вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар имкониятларидан самарали фойдаланишга, шунингдек, фуқароларнинг судлардаги ортиқча харажатлари тежалишига хизмат қилади.

2023 йил 25 декабрь кунига қадар амалда бўлган тартибга асосан, маъмурий судга келиб тушган аризалар дастлаб туманлараро маъмурий суди томонидан биринчи инстанция сифатида, биринчи инстанция суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятлар вилоят судлари томонидан апелляция инстанцияси сифатида, апелляция инстанция қарори устидан берилган шикоятлар эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация инстанцияси сифатида кўриб чиқиладиган эди.

Кодексга киритилган ўзгаришга асосан, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрь кунги «Суд қарорларининг қонунчилиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни қабул қилинди.

ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти, прокурор эса кассация протести беришга ҳақли экани белгиланди.

Шунингдек, кодексга ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларни маъмурий судлар томонидан кўришда прокурор иштирок этиши шартлигини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, юқори инстанция судлари томонидан ишларни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тартиби беқор қилинди.

Урнатилган мазкур тартиб натижасида фуқаролар ортиқча оврагарчилигининг олди олиниб, вилоят судларининг одил судловни амалга оширишдаги имкониятларидан кенг фойдаланилади.

Элмуроджон ОРТИҚОВ,
вилоят туманлараро маъмурий судининг судьяси.

Қиш фасли
ҳам - иш фасли

ИШ ҚИЗҒИН

«Маматоҳиров Б.К.Р» фермер хўжалиги туманнинг энг илғор фермер хўжаликларида биридир. Соҳибжон Маматоҳиров раҳбарлик қилаётган ушбу фермер хўжалигида айни кунларда ерларга яхоб суви берилиб, қишки ишлар қизғин давом этмоқда.

Бу йил 33 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан юқори ҳосил олиш ниятидалар.

Ишларни сифатли ва вақтида бажарилишида моҳир механизаторлар Рауфжон Маматоҳиров, Ботирали Бўронов, сувчилар Раҳмонназар Назаров, Ҳалимжон Хўжақулов сингари жонқуярларнинг хизматлари катта бўляпти.

Мўминжон МИРЗАЕВ,
жамоатчи мухбир.

УЙҒОҚЛИК...

ЁҲУД МАТБУОТНИ
ЎҚИМАСЛИК - МАЪНАВИЙ
ЎЛИМГА ЙЎЛ

Ҳозирги вақтда матбуот нашрларининг обунаси билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини биламиз.

2022 йил 27 июндаги Президент Қарорида бюджет ташкилотларига кутубхона фонди харажатлари орқали даврий босма нашрлар, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади деб кўрсатилган. Демак, масаланинг аниқ ечими бор. Ҳамма гап, унинг амалга оширилишида.

Даврий босма нашрларга дунё миқёсида қандай қаралади? Япония аҳолисининг 76,2 фоизи кундалик газеталарни доимий равишда ўқиб боради. Норвегияда бўлса, ҳар 1000 кишидан 588 нафар, АҚШда 215 нафар, Россияда 105 нафар фуқаролар газетхон ҳисобланар экан.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда 85 фоиз аҳолига бир дона бўлса ҳам газета кириб бормаяпти. 2021 йилда юртимизда 1800 га яқин даврий нашрлар мавжуд бўлган. Ҳукумат нашрларидан ташқари, партиялар, ҳуқуқий органлар, ҳар хил МЧЖ ва хусусий нашрлар, эҳ-ҳей санайверсанг, бармоқларинг етмас эди. Минг афсуслар бўлсинки, бугун газета-журналларнинг сони тобора камайиб борапти.

2016-2019 йилларнинг оралиғида республикамызда чоп этилган китоб, брошюралар бирлиги қарийб 600 тага, адади эса 7 миллион нусхага камайган. Газета ва журналлар йиллик тиражи мана шу муддатда қарийб 2 мартага қисқарган. Бу ҳолат соҳа рентабеллиги пасайиши ва аста-секин сўниб боришига олиб келади.

Бугун газета-журналларга обуна ҳақида гап очилгудек бўлса, унинг этагига «мажбурий» деган қўшимча ҳам осилмоқда. Бундан на кулишингни ва на куйишингни биласан киши. Овқат ейиш, дам олиш, сайру саёҳатлар уюштириш, имкони бўлмаса-да, ҳашаматли тўй қилиш «мажбурий» эмас, аммо нафс ўлсин, уларсиз яшашни тасаввур эта олмайдиганлар бор. Таълим-тарбия ҳақида оғзимизни тўлдириб гапирамызу фарзандимиз, невараларимиз обуна учун пул сўрагудек бўлса, жеркиймиз. Чойхоналарда ҳаммани ўзига қаратиб ўтирадиган кимсалар уйига йилда бирон марта бўлсин китоб олиб келмайди. Бундайлардан «Болангиз газета-журнал ўқийдими?» деб сўрасангиз, «ўқиб гўр бўлармиди», деган жавобни оласиз. Гўрми ёки кўрми бўлишини билмади-му, аммо жисмоний ўлимдан ҳам кўра, маънавий ўлиш ёмонроқ. Негаки, муталаадан узоқлашиш муқаррар тарзда одамни чинакам ҳалокат сари етаклаб бораверади.

«Газеталар шархи» каналидан олинди.

Маълумки, неча асрлардан буён кишиларда ахлоқий поклик, иймон-этиқодлилик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларининг камол топишида миллий қадриятларнинг роли бекиёсдир. Миллий қадриятлар ёшларнинг маънавий қиёфаси ва дунёқарашини шакллантиришда ўзига хос сабоқлар ҳазинаси ҳисобланади. Қадриятлар эндиликда халқимизнинг истиқлол ғояларига самарали хизмат қилмоқда. Айниқса, Шарқ мафкуралари, олим ва файласуфлари адабий-бадий, педагогик асарларида комил инсонни тарбиялашда халқнинг бой маънавий меросидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Ушбу маънавий мерос асрлар оша ҳаёт синовидан ўтиб, инсонпарварлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли бу умумпедагогик миллий тарбия ғояларини ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳар бир янги авлоднинг бурчи ҳисобланади.

Маълумки, ахлоқ ҳақидаги масала назарий-амалий жиҳатдан ўтмиш мутафаккирлари асарларида кенг асослаб берилган. Шу сабабли ҳам бу таълимотлар ўзбек ёшларини тарбиялаш жараёнида ҳам назарий,

КУН МАВЗУСИ

УНУТИЛАЁТГАН
САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

ҳам амалий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодда айниқса, саломлашиш бурчини тарбиялаш муаммоси ахлоқий тарбиянинг ўзак қисми бўлиб, у шахснинг маънавий ва маърифий савияси билан боғлиқдир. Чунки, унда шахснинг ижтимоий муносабатлари ўз ифодасини топади. Саломлашиш маданияти илк бор оилалар, мактабгача таълим ташкилотларида кичик ёшдан бошлаб фарзандларга ўргатилиб борилади.


«Салом» сўзи арабча сулҳ, дўстлик, омонлик демақдир. Кўриниб турибдики, саломлашиш икки киши ўртасидаги сулҳ, дўстлик рамзи, омонлик, соғ-саломатлик нишонасидир. Саломлашиш ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий урф-одатлар рамзи ҳамдир. Миллий урф-одатлар эса ҳаётнинг ажралмас қисмидир.

Инсонларнинг бир-бирлари билан учрашганидаги чин кўнглидан, очиқ чеҳра билан саломлашиши халқимизнинг энг яхши

Маҳаллий ҳокимликларнинг
аҳолини рўйхатга олиш
соҳасидаги Ваколатлари

Барчамизга маълум Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш мақсадида мамлакатимизнинг барча рудудларида тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 16-мартдаги ЎРҚ-611-сонли қонунининг мазмун ва моҳиятини кенг жаморатчиликка тушунтиришда шаҳар ва туман ҳокимликларнинг ўрни каттадир.

Шаҳар ва туман ҳокимликларнинг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат? Мазкур қонуннинг 16-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссияларни тузади, маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларида доимий яшовчи аҳоли сонини кўрсатган ҳолда ушбу пунктларнинг тўлиқ рўйхати тузилишини, маъмурий-ҳудудий бирликларда кўчаларнинг номлари, уйлар ва хонадонларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлаши, жалб этилган рўйхатга олувчи ходимлар таркибини тасдиқлаши, рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил этиши, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш доирасидаги ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун яроқли мебел ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинчалик хоналар, шунингдек зарур транспорт воситалари берилишини таъминлаш, рўйхатга олиш варақларини ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларини вақтинча сақлаш учун қўриқланадиган хоналар ажратиш юзасидан чоралар кўриш, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этиши каби ваколатларига эгадир.



Тўлқинжон КИМСАНОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

ларнинг олдида ҳам содир этилаётганлиги, бу ҳолатга уларнинг биронтаси истисно сифатида эътироз билдирмаётганлиги фожиадир. Афсуски, бу каби ҳолатлар ҳозирги кунда барча жамоат жойларида ҳам тез-тез кўзга ташланмоқда. На кўча-кўйда, на бекатларда, на жамоат транспорт воситаларида ўзидан катталарга салом бериш, шу орқали уларга ҳурмат баҳо келтириш гўёки «урф»дан чиқиб борапти. Бугун Юртбошимиз ёшларга жуда катта умид ва ишонч билдирыпти, зеро Янги Ўзбекистон - Учинчи Ренессанс эгалари ёшлардир дея таъкидламоқда. Ана шу ишончга ёшлар биринчи навбатда ахлоқ-одоби, қолаверса, билими, маданияти, иқтидори билан «лаббай» деб жавоб беришлари керак. Бунга энг аввало, саломлашиш одобини мукамал эгаллаган ўғил-қизларимизгина лойиқдирлар. Демак, мактабгача таълим ва мактабларда ана шу қадриятни ёшлар онгига чуқур сингдириб бориш - халқ, Ватан ва Президентимиз ишончини сақлаш сари қўйилган ҳақли қадамдир.


Гулноза ЭРГАСHEBA,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



Раҳбарлигимдаги 27-болалар мусиқа ва санъат мактаби вилоят маданият бошқармаси тасарруфида бўлиб, 1972 йилда ташкил топган. 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 2013 йилда капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган.

ЮТУҚЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН

2023-2024 ўқув йилида 266 нафар иқтидорли ва истеъдодли ўғил-қизларга 61 нафар педагоглар фортепьяно, торли ҳамда халқ чолғулари, анъанавий ва эстрада хонандалиги, хореография, театр, тасвирий, амалий санъат, эстрада, анъанавий чолғу ижрочилиги бўйича дарс ўтмоқдалар. Қилинаётган меҳнат, бажарилаётган амалиётлар натижасида ўқувчиларимиз республика ҳамда халқаро танловларда юқори ютуқларга эришиб келаётганлиги қувонарлидир.



Жумладан, 2023 йилда ўқувчиларимизнинг эришган ютуқлари тақсинга лойиқдир. Чунончи, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Musical Image» номли халқаро кўрик-танловда эстрада мутахассислиги 5-синф ўқувчилари Иброҳимжон Исроилов 1-ўрин, Моҳинахон Ашуралиева 2-ўрин, Райхона Ахмадова 3-ўринга муносиб кўрилган бўлса, амалий санъат бўлими 5-синф ўқувчиси Озодбек Мухаммаджонов Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган «Қалб» номли халқаро кўрик-танловда қатнашиб, 1-ўринга эга бўлди. Омад бир келса кетма-кет келар экан. Шу йилда Москва шаҳрида ўтказилган «Korabl znaniy» халқаро онлайн кўрик-танловида фортепьяно бўлими 2-синф ўқувчиси Шахлохон Исақова 1-ўринни қўлга киритди. ART Music planet ижодий лойиҳаси томонидан ташкил этилган «Куз фантазияси» республика кўрик-танловида фортепьяно ўқувчилари Ниғинахон Шерматова 3-, Мухаммадшокирхон Кенжаев 2-, амалий санъат бўлими 3-синф ўқувчиси Яҳёбек Юсубов 2-ўринни эгалладилар.

Келгусидаги режаларимиз туманимиз иқтидорли ўқувчиларини вилоят, республика ва халқаро кўрик-танловларда иштирок этишларини таъминлаш ҳамда ўз мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттиришларида амалий кўмак беришдир. Шунингдек, маданият ва санъат соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга бўлган устоз санъаткорлар билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарсларини ташкил этишдек масъулиятли ишларни амалга оширишдан иборатдир.

Ниятим, мактабимизнинг келажаги порлоқ, ютуқларимиз бардавом бўлсин.

Гулнозахон ЭСОНОВА,
мактаб директори.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР РАҲБАР ВА ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1-қв shakli (йиллик) Микрофирма ва кичик корхонанинг «2023 йил учун ҳисоботи»ни ҳамда 1-FX шакли (йиллик) фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни 2024 йилнинг 27 февралдан кечиктирмай, хато ва қамчиликларсиз www.hisobot.stat.uz сайти орқали электрон кўринишда тақдим этишларингизни эслатамиз.

Ҳурматли тадбиркор! Ҳисоботни ўз вақтида жўнатишни унутманг.

Мурожаат учун телефонлар: (73) 572-17-15, 572-18-93.

СТАТИСТИК МАЪЛУМОТ

2023 йилнинг январ-декабр ойларида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 1 114,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,4 фоизга етди. 2023 йил январь-декабрь ойларида туман бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 371,2 минг сўми ва суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,7 фоизни ташкил этди.

Туман статистика бўлими.

ПАХТАЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДМ Фарғона вилояти бошқармаси 2024 йил ҳосилидан уруғлик пахта, сабзавот, полиз, мойли, дуккакли, озуқа ва бошқа экинлар етиштириш бўйича фермер хўжаликлари ўртасида танлов эълон қилади.

Фермер хўжаликларини танловда қатнашиш шартлари:

1. Пахтачиликда энг илғор тажрибага эга бўлган фермер хўжаликларида уруғлик пахта етиштириш амалга оширилади. Уруғлик пахта етиштириш учун танлаб олинаётган фермер хўжалиги пахтачиликда мунтазам юқори ҳосилдорликка эришган бўлиши керак.

2. Уруғлик пахта, сабзавот, полиз, мойли, дуккакли, озуқа ва бошқа экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларининг экин ерларининг тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив ҳолати яхши, сув билан таъминланиши қулай бўлиши талаб этилади.

3. Фермер хўжалигининг раҳбари ва мутахассислари уруғчилик соҳасида етарли билим ҳамда тажрибага эга бўлишлари лозим.

4. Фермер хўжалиги охириги 3 йилда пахта сотиш шартномавий режасини бажарган бўлиши шарт.

5. Агротехник тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш учун етарли қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизмлари билан таъминланган бўлиши керак.

6. Уруғлик пахта етиштирувчи фермер хўжалиги тендер танлови шартларига, уруғлик пахта етиштириш мажбуриятларига ҳамда уруғлик пахта учун устама ҳақ тўлов тартибига тўлиқ риоя қилиши талаб этилади.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН КУЙИДАГИ ХЎЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

1. Фермер хўжалиги (субъект) номидан тилхат.

2. Тупроқ унумдорлиги (бонитет балл) туман қишлоқ хўжалиги бўлими маълумотномаси.

3. Сув таъминоти туман ирригация тизими бошқармаси маълумотномаси.

4. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлими томонидан маълумотнома.

5. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан маълумотнома.

6. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими томонидан талабгорнинг мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси.

7. Сўнгги 3 йил ичида экилган қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорлик ва шартномавий режанинг бажарилиши бўйича кластер корхонаси томонидан берилган маълумотнома.

Хўжотлар жорий йил 5 февраль, соат 18:00 гача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун (+99890) 155-11-37 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими.

